

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ДАДАМИРЗАЕВ МУЗАФФАР ХАБИБУЛЛАЕВИЧ

**САБЗАВОТЛИ СОУС-ПАСТА ЯРИМФАБРИКАТЛАРИ ТАЙЁРЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш,
сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертациидоктора философии (PhD)
Contents of the dissertationabstract of doctorof Philosophy (PhD)

Дадамирзаев Музаффар Хабибуллаевич Сабзавотли соус-паста яримфабрикатлари тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш.	3
Дадамирзаев Музаффар Хабибуллаевич Совершенствование технологии приготовления полуфабрикатов овощных соус-паст.	21
Dadamirzayev Muzaffar Habibullayevich Improving the technology for the preparation of semi-finished vegetable pasta sauce.	38
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.	42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ДАДАМИРЗАЕВ МУЗАФФАР ХАБИБУЛЛАЕВИЧ

**САБЗАВОТЛИ СОУС-ПАСТА ЯРИМФАБРИКАТЛАРИ ТАЙЁРЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш,
сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2020.4.PhD/Т1894 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган муҳандислик-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (ik-kimyo.nuu.uz) ҳамда «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Атаханов Шухратжон Нуридинович
техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Абдурахимов Саидакбар Абдурахманович
техника фанлари доктори, профессор

Ахраров Умид Бакирович
иқтисод фанлари номзоди, проф. в.б.

Етакчिताшқилот:

Бухоро муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 32. Тел.: (99871)244-79-20, факс: (99871) 244-79-17; e-mail:tcti_info@edu.uz.) Тошкент кимё-технология институти Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўч., 32. Тел.: (99871) 244-79-20.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги № ___ рақамли реестр баённомаси).

С.М. Туробжонов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.И. Кадиров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, т.ф.д. (DSc)

Қ.О. Додаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунё миқёсида мева-сабзавот етиштириш жадал суръатларда ўсиб бориши билан уларни сақлаш, чуқур қайта ишлаш ва ярим тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари олиш технологияларини яратиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Аҳолини қисқа муддатларда сифатли, озуқавий қиммати юқори бўлган тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар билан таъминлаш шу куннинг долзарб муаммоларидан бири қилиб қўйилмоқда.

Жаҳон миқёсида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни такомиллаштириш, жумладан истеъмол даражасини овқатланиш рационали меъёрларига олиб чиқиш имкониятларини берувчи янги технологиялар яратиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг озуқавий ва биологик қимматини сақлаб қолиш, табиий хомашё ва маҳсулотлардан самарали фойдаланиш, умумий овқатланиш корхоналарини ярим тайёр маҳсулотлар билан таъминлашни кенгайтириш бўйича ҳам кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамизда охириги йилларда қишлоқ хўжалигида боғдорчилик ва сабзавотчилик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш бўйича бир қанча ютуқларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «саноатни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, маҳаллий хом ашё манбаларини чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ўзлаштириш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар асосида озиқ-овқат ва умумий овқатланиш корхонаси тармоқларида мева-сабзавотларни қайта ишлаш, ярим тайёр маҳсулотлар билан таъминлаш бўйича янги технологиялар яратишда бир қанча ютуқларга эришилди. Мева-сабзавотларни қайта ишлашнинг замонавий технологияларини яратиш ва жорий этиш, ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотларини озиқавий ва биологик қимматини янада ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб, илм-фан соҳасида изланишлар олиб борилишини тақазо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 мартдаги ПҚ-4239 сон «Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалик кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406 сон «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, жумладан мева ва сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлаш, уларни истеъмол меъёрларини талаб даражасига етказиш ҳамда турли яримфабрикатлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2020 йил 9 сентябдаги ПҚ-4821 сон «Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишини устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиётининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мева ва сабзавотларни қайта ишлаш ва умумий овқатланиш корхоналари учун соус яримфабрикатлар ишлаб чиқиш технологиялари бўйича J.Shulze, E.Anter, A.C. Amadi Joy, M.И.Беляев, В.С.Баранов, Г.М.Постнова, А.И.Черевко, Р.П.Уистлер, Н.Р.Успенская, Л.В.Бабиченко, Э.Ф.Пашел, Г.С.Климов, Д.И.Лобанов, Н.И.Ковалев, С.Ю.Глебова, Ж.М.Қурбанов, Б.Д.Махмадаминов, А.Ж.Тошев, Ш.Н.Атаханов, Н.Ш.Кулиев, Қ.О.Додаев ва бошқалар илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган.

Улар томонидан сабзавотлар асосида пюрелар, шарбатлар, концентратлар ва соуслар ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилган, соусларни органолептик, физик-кимёвий, микробиологик хоссалари баҳоланган ҳамда ишлаб чиқариш шароитидаги структура-механик хусусиятлари тадқиқ этилган.

Шу билан бирга сабзавот асосли тайёр ва яримтайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, функционал хусусиятларини ошириш, хомашёни биологик ва озиқавий қимматини тўла сақлаб, парҳезбоплигини ошириш учун турли қўшимчалар билан бойитиш, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш йўналишида илмий ишлар олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-қурилиш институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун ресурстежамкор, экологик хавфсиз, озуқавий қиммати юқори маҳсулотлар технологиясини ишлаб чиқиш», ИОТ-2016-5-11 «Топинамбур шарбати иккиламчи хом ашёсидан диетик ва таркибида шакар тутувчи таомлар тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш» (2016 - 2017 й.й.) ҳамда БВ-А-ҚХ 2018-424 сонли «Умумий овқатланиш корхоналари учун мева ва сабзавот хомашёсидан соус яримфабрикатлари технологиясини ишлаб чиқиш» (2018-2019 й.й.) мавзусидаги инновацион лойиҳалар доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади сабзавот хомашёлари асосида функционал вазифани бажарувчи янги турдаги соус-паста яримфабрикатлари рецептураси ва тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сабзавотли соус-паста яримфабрикаларнинг алоҳида хусусиятли турларини шакллантириш, уларни узлуксиз ишловчи механизациялашган технологик тизимини тузиш;

сабзавотли соус-паста яримфабрикатларининг керакли консистенциясини шаклланишига таъсир этувчи асосий ингредиентлардан бири ҳисобланган унларни (буғдой, гуруч, нўхот) турли системаларда бўқиш даражаси ва компонентларнинг биргаликдаги ўзаро таъсирини тадқиқ этиб, яримтайёр ва тайёр маҳсулотнинг хоссаларини аниқлаш;

сабзавотли соус-паста яримфабрикатларининг органолептик, микробиологик, физик-кимёвий ва структуравий-механик хоссаларини тадқиқ этиш;

функционал соус-паста яримфабрикатлари сифати ва озиқавий қимматларини тадқиқ этиш;

сабзавот хомашёлари асосида функционал вазифани бажарувчи янги турдаги соус-паста яримфабрикатлари рецептураси ва тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти маҳаллий шароитда етиштирилган сабзавотлар, улардан тайёрланган соус-паста яримфабрикатлари ва истеъмолга тайёр соуслар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети маҳаллий шароитда етиштирилган сабзавотлар ва улардан турли табиий қўшимчалар асосида соус-паста яримфабрикатлари тайёрлаш технологияси ва рецептурасини ишлаб чиқиш, соус-паста яримфабрикатлари асосида истеъмолга тайёр соуслар тайёрлаш.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда сабзавот соус-паста яримфабрикати органолептик кўрсаткичлари Тильгнернинг модификацияланган усулида, умумий углеводлар миқдори Дюбуа, оксиллар Лоури, липидлар Сокслет аппаратида экстракциялашга асосланган, С витамини йодометрик, ОМФ ва микотоксинлар фотометрик, крахмалнинг бўқиши Фишер усулларда амалга оширилган.

Тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

функционал ва парҳезбop соус-паста яримфабрикатлари олишнинг томатли, глютенсиз ва ошқовoқли 3 турдаги рецепти ишлаб чиқилган ҳамда узлуксиз, механизациялашган технологик тизимнинг мақбул параметрлари аниқланган;

буғдой, гуруч ва нўхот унларига термик ишлов бериш натижасида улардаги крахмалнинг структураси қисман ўзгариши исботланиб, унинг намлик ютиш ва бўқиш қобилиятининг пасайиши аниқланган;

сабзавотли соус-паста яримфабрикатларининг органолептик, физик-кимёвий, микробиологик ва структуравий-механик хоссалари аниқланган;

сабзавотли соус-паста яримфабрикатларини ишлаб чиқаришда қўлланилган қуюлтирувчи ингредиентларни тайёр маҳсулотнинг реологик хоссаларига таъсири аниқланган;

сабзавот хомашёлари асосида функционал вазифани бажарувчи янги турдаги соус-паста яримфабрикатлари тайёрлашнинг такомиллаштирилган технологияси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сабзавотли соус-паста яримфабрикатлари ишлаб чиқаришни йирик механизациялашган линиясининг принципиал схемаси ишлаб чиқилган;

томат асосидаги соус-паста яримфабрикати рецептлар мажмуаси, глютенсиз сабзавотли, ошқовoқли соус-паста яримфабрикати таркиби ва тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилган;

соус-паста яримфабрикатлари ишлаб чиқариш бўйича техник шарт ва технологик йўриқнома ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Ts 16165217-01:2019 ва ТЙ 16165217-01:2019 «Сабзавот соус-паста яримфабрикатлари»).

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таҳлилда замонавий физик-кимёвий тадқиқот услублари, сабзаёт хомашёлари асосида функционал вазифани бажарувчи янги турдаги соус-паста яримфабрикатлари рецептураси ва технологияларини саноатга жорий қилиниши ва ишлаб чиқарилиши билан асослангандир.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сабзаётли соус-паста яримфабрикатлари системаларининг реологик хоссалари ва уларнинг кўрсаткичларига айрим хомашёлар компонентларининг таъсири аниқланганлиги, соус-паста яримфабрикатлари рецептурасида хомашё компонентларининг рационал миқдори, саноат учун технологик ишловлар кетма-кетлигини асослаш, аҳоли ва умумий овқатланиш тармоғи учун янгиланган сабзаётли соус-паста яримфабрикатлари мажмуасини тайёрлаш илмий асосининг яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти озикавий қиммати, органолептик, физик-кимёвий ва микробиологик кўрсаткичлари яхшиланган яримтайёр фабрикатларнинг олиш, улардан истеъмолга тайёр соуслар ишлаб чиқаришга тавсия этишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сабзаётли соус-паста яримфабрикатлари тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

«Сабзаёт соус-паста яримфабрикатлари» ишлаб чиқаришга техник шарт (Ts 16165217-01:2019) ва технологик йўриқнома (ТЙ 16165217-01:2019) «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган. Натижада функционал соус-паста яримфабрикатлар ишлаб чиқариш имконини берган;

сабзаётли соус-паста яримфабрикатлари тайёрлаш технологияси «Наманган шарбати» АЖ корхонасида ишлаб чиқаришга жорий этилган («Ўзбекизоқовқатхолдинг» ХК 2020 йилнинг 18 мартдаги АА/05-2-444-сонли маълумотномаси). Натижада озикавий ва биологик қимматини сақлаб қолувчи соус-паста яримфабрикатлар ассортиментини ошириш имконини берган;

соус-паста яримфабрикатлари тайёрлаш технологияси Учқўрғон туманидаги «Muhammadali Namkor Biznes» ОАЖ ва Наманган шаҳридаги «Туркистон» тантаналар мажмуасида ишлаб чиқаришга жорий этилган («Ўзбекизоқовқатхолдинг» ХК 2020 йилнинг 18 мартдаги АА/05-2-444-сонли маълумотномаси). Натижада анъанавий технологияга нисбатан ишлаб чиқариш самарадорлигини 16%-га, турдош ташкилотлар ва истеъмол бозорига етказиб беришни 25%-га ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 14 та илмий-амалий анжуман, шу жумладан, 10 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг асосий илмий натижаларни чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларида 5 та мақола, жумладан 1 та республика ва 4 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 119 бетдан иборат бўлиб, унда 15 та расм ва 20 та жадвал келтирилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ҳамда предмети фойдаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очилган, ишлаб чиқаришга жорий этилишининг рўйхати келтирилган, чоп этилиш даражаси ва диссертация ишининг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Соус-паста яримфабрикатлари, соуслар тайёрлаш технологияси, соуслар ассортименти**» деб номланган биринчи бобида соуслар, уларнинг турлари ва овқатланишдаги ўрни, аҳамияти, бажарадиган вазифалари, органолептик хусусиятлари, озикавий қиммати ҳамда бу кўрсаткичларга таъсир этувчи омиллар таҳлил қилинган. Соус тайёрлашда қўлланиладиган бульонларнинг таркибий қисми шакллантирилган.


Сабзаёт хомашёлари асосида функционал вазифани бажарувчи янги турдаги соус-паста яримфабрикатларини марказлашган ҳолда ишлаб чиқиш, улар асосида янги соуслар тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқишни ташкил этиш ва умумий овқатланиш корхоналари эҳтиёжини қондириш мақсадга мувофиқ. Юқорида ўрганилган маълумотлар асосида тадқиқот мақсад ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг иккинчи «**Илмий-тадқиқот объектлари, материаллари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тажрибалар давомида ишлатилган материаллар ва уларга қўйиладиган стандарт талаблари, тадқиқот объектлари ҳамда жараён давомида қўлланилган услублар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг учинчи «**Тадқиқот ишларини режалаштириш ва натижаларга статистик ишлов бериш**» деб номланган учинчи бобида буғдой, гуруч ва нўхот унларининг бўкиш қобиляти тажриба асосида ўрганилди. Сабзаёт соус-паста яримфабрикатлари ишлаб чиқаришда унларнинг бўкиш даражасига турли компонентлардаги ўзгаришларнинг таъсири қуйидаги системалар бўйича: СБЯ+буғдой уни; СБЯ+гуруч уни; ошқовоқ шарбати + нўхот уни кўринишида ўрганилган. Назорат намуналари юмшатирилган сувда амалга оширилган. Натижалар 1-4-расмларда келтирилган.


Турли унларнинг юмшатирилган сув ёки бульонда бўкишига муҳит температурасининг таъсири 1-расмда келтирилган. Графикларга қараганда унни бўктиришда вақт 5 соатни ташкил этганда (экспериментларда буғдой, гуруч ва нўхот унларини пассерламасдан 50°C-да бўкиш даражасини ўрганиш учун ўтказилган) бўкиш максимал даражага етади: буғдой унида 558%, гуруч унида 520%, нўхот унида 578%.

$K_v = 885\%$, минимал бўқиш $100-110^\circ\text{C}$ температурада пассерланган гуруч унини 5 соат давомида бўктирилганда эришилмоқда, $K_v = 660\%$. Бу жараёнда ҳам пассерланган ун сувда ёки бульонда бўктирилганда бўқиш даражаси камаймоқда. Гуруч унининг декстринлашиши натижасида крахмалнинг бир қисми температура таъсирида гидролизланиши ва унга 100°C дан юқори температурада ишлов берилиши бўкувчи модда миқдорини камайтирди. Бунинг натижасида соус-пасталарнинг консистенцияси турлича бўлади.



2- $y = 12.685x^3 - 185.34x^2 + 900.83x - 623.67$ 3- $y = 0.7037x^3 - 36.639x^2 + 344.8x - 210.33$ 2- $y = 2.7222x^3 - 68.226x^2 + 500.48x - 336$ 3- $y = 0.4907x^3 - 37.992x^2 + 366.37x - 230.67$
 $2^1 y = 11.759x^3 - 173.83x^2 + 856.13x - 590.33$ $3^1 y = -0.5463x^3 - 21.46x^2 + 286.94x - 167.3$ $2^1 y = 1.1296x^3 - 47.611x^2 + 418.97x - 272.67$ $3^1 y = -1.2222x^3 - 15.667x^2 + 278.84x - 164$

3-расм. Пассерланмаган ва пассерланган гуруч унининг бўқиш динамикаси.




4-расм. Пассерланмаган ва пассерланган нўхот унининг бўқиш динамикаси.

4-расмда пассерланган нўхот унининг юмшатирилган сув ҳамда ошқовоқ шарбати муҳитида максимал даражада бўқишига буғдой ва гуруч унлари каби 5 соатда эришилганлигини кўриш мумкин. Бунда энг юқори бўқиш даражасига пассерланмаган нўхот унини юмшатирилган сувда бўқишига эришилмоқда, $K_v = 920\%$, минимал бўқиш даражасига $100-110^\circ\text{C}$ температурада пассерланган нўхот унини 5 соат давомида бўктирилганда эришилмоқда, $K_v = 706\%$. Бу жараёнда ҳам пассерланган ун сув ва ошқовоқ шарбатида бўктирилганда бўқиш даражаси камаймоқда. Нўхот унининг декстринлашиши натижасида крахмалнинг бир қисми температура таъсирида гидролизланиши ва унга 100°C дан юқори температурада ишлов берилиши бўкувчи модда миқдорини камайтирди. Бу эса соус-пасталарнинг консистенцияси турлича бўлишини белгилайди.

Графиклардан нўхот унини ошқовоқ шарбатида бўктиришда соф сувда бўктиришга нисбатан камроқ натижага эришилмоқда. Бунинг сабаби ошқовоқ шарбатининг кимёвий таркиби ва эркин сузувчи заррачаларнинг ун зарралари юзасида тўплам ҳосил қилиши ҳамда шарбат таркибидаги боғланмаган сувнинг ундаги крахмалгача ўтишига тўсқинлик қилиши натижаси эканлиги таъкидланади.


Соус-паста яримфабрикати қовушқоқлиги (η) рецептурадаги пассеровкаланган бугдой, гуруч, нўхот унлари каби системаларда ўрганилди. Бунинг учун қовушқоқлик коэффиценти (η) соус-паста рецептурасидаги компонентлар миқдори бўйича силжиш тезлигининг ўзгариши тадқиқ этилди.

4-расмда томат соус-паста яримфабрикати структурасига пассерланган унни концентрациясининг таъсири келтирилган. Расмда соус-паста қовушқоқлиги уннинг силжиш коэффиценти γ -га боғлиқлиги $\eta=f(\gamma)$ функциясини графиклари бир-бирига яқинлиги яққол кўринмоқда. Регрессион тенгламалар олинган бўлиб, томат соус-пастаси яримфабрикати оқиш характери тасвирланди.



Уннинг миқдори 1-21%; 2-17%; 3-13%.

5-расм. Томат соус-паста яримфабрикати рецептидаги бугдой уни миқдори бўйича қовушқоқлигини ўзгариши.



Уннинг миқдори 1-22%; 2-17%; 3-12%.

6-расм. Глютенсиз сабзавот соус-паста яримфабрикати рецептидаги гуруч уни миқдори бўйича қовушқоқлигини ўзгариши.

5-расмда соус-паста қовушқоқлиги уннинг силжиш коэффиценти γ -га боғлиқлиги $\eta=f(\gamma)$ функциясини графиклари бир-бирига яқинлиги яққол кўринмоқда. Регрессион тенгламалар олинган бўлиб, томат соус-пастаси яримфабрикати оқиш характери тасвирланди.


1-томат соус-пастаси таркибида пассерланган ун миқдори 21%, силжиш коэффиценти 25 c^{-1} бўлганда уннинг қовушқоқлиги $42 \text{ Па} \cdot \text{с}$, соус-пастадаги уннинг миқдори 17% бўлганда - $59 \text{ Па} \cdot \text{с}$, 13%-да - $78 \text{ Па} \cdot \text{с}$ -ни ташкил этди. Қовушқоқликнинг камайиши соус-паста таркибидаги ун, уннинг таркибидаги крахмал миқдорининг камайиши билан боғлиқ. Соус-паста қовушқоқлигининг камайиши силжиш коэффиценти $\gamma=10 \text{ c}^{-1}$ бўлганда деярли тўхтайтиди. Демак соус-пасталарда силжиш коэффиценти $\gamma = 10 \text{ c}^{-1}$ -дан юқори бўлиши тавсия этилади.

Глютенсиз сабзавотли соус-паста яримфабрикатининг қовушқоқлик коэффиценти га гуруч уннинг маҳсулот структурасига бузмасдан таъсир этиши 6-расмдаги кўринишга эга.

1-глютенсиз сабзавот соус-пастаси таркибида пассерланган ун миқдори 22%, силжиш коэффиценти 25 c^{-1} бўлганда уннинг қовушқоқлиги $25 \text{ Па} \cdot \text{с}$, соус-пастадаги уннинг миқдори 17% бўлганда - $33,4 \text{ Па} \cdot \text{с}$, 12%-да - $45,2 \text{ Па} \cdot \text{с}$ -

ни ташкил этди. Қовушқоқликнинг камайиши соус-паста таркибидаги ун, уннинг таркибидаги крахмал миқдорининг камайиши билан боғлиқ. Соус-паста қовушқоқлигининг камайиши силжиш коэффициентини $\gamma = 10 \text{ с}^{-1}$ бўлганда деярли тўхтайди. Демак, соус-пасталарда силжиш коэффициентини $\gamma = 10 \text{ с}^{-1}$ –дан юқори бўлиши тавсия этилади.

Ошқовоқли сабзавот соус-паста яримфабриката қовушқоқлик коэффициентига нўхот унининг маҳсулот структурасини бузмасдан таъсир этиши 7-расмдаги кўринишга эга.



7-расм. Ошқовоқ соус-паста яримфабрикати рецептидаги нўхот уни миқдори бўйича қовушқоқлигини ўзгариши.


Соус-паста қовушқоқлигининг камайиши силжиш коэффициентини $\gamma = 10 \text{ с}^{-1}$ бўлганда деярли тўхтайди. Демак соус-пасталарда силжиш коэффициентини $\gamma = 10 \text{ с}^{-1}$ –дан юқори бўлиши тавсия этилади. Юқоридаги расмларда келтирилган натижалардан шуни хулоса қилиш мумкинки, асосий ун хом ашёси, уни концентрацияси ва иссиқлик ишлови бериш температурасининг қовушқоқликка таъсири юқори бўлиб, бошқа қўшимчалар таъсири сезиларли эмас.

Соус-паста яримфабрикати истеъмолга тайёр мураккаб коллоид система ҳисобланиб, таркибида эмульсия (сув+ёғ) ва суспензия (ун+сув) мавжуд. Истеъмолга тайёр соусларнинг асосий сифат кўрсаткичларидан бири системанинг қатламланишга барқарорлигидир. Соус-паста яримфабрикатларини суюлтириш даражасини аниқлаш учун янги турғун системалар олиш мақсадида седиментацион таҳлиллар ўтказилди. Истеъмолга тайёр соусларнинг қатламланиши кинетикаси 8-10-расмларда келтирилган.


Истеъмолга тайёр соуснинг сақланиши давомида унинг намлигининг ажралиб чиқиши салбий кўрсаткич ҳисобланиб, соуснинг қатламланиши дейилади. Қатламланиш соуснинг таркибидаги ун миқдorigа тесқари пропорционал боғлиқ. Масалан, соус таркибида буғдой унининг миқдори 15% бўлганда соус 18 мин сақланиши давомида, 6,06% миқдорда сув ажралиб чиқади, ун миқдори 20% бўлганда - 5,47%, 30% бўлганда 4,56% сув ажралади.

1-ошқовоқ соус-пастаси таркибида пассерланган ун миқдори 32%, силжиш коэффициентини 25 с^{-1} бўлганда унинг қовушқоқлиги $25 \text{ Па}\cdot\text{с}$, соус-пастадаги уннинг миқдори 28% бўлганда – $33,4 \text{ Па}\cdot\text{с}$, 24%-да – $45,2 \text{ Па}\cdot\text{с}$ -ни ташкил этди.

Қовушқоқликнинг камайиши соус-паста таркибидаги ун, уннинг таркибидаги крахмал миқдорининг камайиши билан боғлиқ.




8-расм. Томат соус-паста яримфабрикатидан тайёрланган соусни қатламланиш кинетикаси. Чизиклардаги қуруқ модда миқдори: 1-15%; 2-20%; 3-30%.



9-расм. Глютенсиз сабзавот соус-паста яримфабрикатидан тайёрланган соусни қатламланиш кинетикаси. Қуруқ модда миқдори: 1-14%; 2-20%; 3-26%.

Соус таркибида гуруч унининг миқдори 14% бўлганда соус 18 мин сақланиши давомида, 6,43% миқдорда сув ажралиб чиқади, ун миқдори 20% бўлганда - 5,32%, 26% бўлганда 4,61% сув ажралади. Соус таркибида нўхат унининг миқдори 16% бўлганда соус 18 мин сақланиши давомида, 6,24% миқдорда сув ажралиб чиқади, ун миқдори 22% бўлганда - 5,28%, 28% бўлганда 4,61% сув ажралади.



10-расм. Ошқовоқ соус-паста яримфабрикатидан тайёрланган соусни қатламланиш кинетикаси. Қуруқ модда миқдори: 1-16%; 2-22%; 3-28%.

Олинган боғлиқликларга кўра тайёр соусларда қуруқ модда миқдори ортиши билан система турғунлиги ортади. Системанинг турғунлиги седиментацион таҳлил ёрдамида текширилади. Хулоса шуки, соус-пасталарни ишлаб чиқаришда қуюлтирилган яримфабрикатлар асосида тайёрланишга ўтиш ўрганилган қонуниятга бўйсинади. Вақт давомида соусларнинг турғунлиги система таркибидаги қуруқ модда миқдорига боғлиқ ва барча системалардаги яримфабрикатлардан истеъмолга тайёр соуслар тайёрлаш учун бир хилда ёндошиш мумкин.

Сабзавотли соус-паста яримфабрикатларининг микробиологик кўрсаткичлари СанПиН 0283-10 бўйича таҳлил этилган, патоген микроорганизмлар

миқдори белгиланган меъёрлардан кўп эмаслиги ДСЭНМ томонидан тасдиқланган.

Диссертациянинг “Сабзавотли соус-паста яримфабрикатлари олиш технологиясини ишлаб чиқиш, корхонага жорий этиш” деб номланган тўртинчи бобида томатли ва сабзавотли глютенсиз соус-паста яримфабрикатлари учун суюқ асос, соус бульон яримфабрикати тайёрлаш технологияси, унинг мақбул рецепти, қўллашнинг миқдорий чегаралари ҳамда соус-паста яримфабрикати ва улардан тайёрланадиган соусларда бажарадиган вазифаси ёритиб берилган.

1-жадвал

Тавсия этилган соус бульон яримфабрикатининг солиштирма таркиби

№	Кўрсаткичлар номи	№ 842 рецепт бўйича тайёрланган бульон	Соус яримфабрикати учун бульон
1	Оқсил миқдори, %	0,36	3,78
2	Ёғ миқдори, %	0,27	2,68
3	Куруқ модда миқдори, %	1,2	6,91

Юқорида яратилган технологиялар мавжуд соуслар тайёрлаш жараёнларидан шу билан фарқ қиладики, айримларида қўлланилган компонентлар турлича бўлса, баъзиларида технологик жараёнлар орқали хом ашёлардаги фойдали компонентларни тўла сақланиши ёки ажратиб олинишига эришилган. Жумладан, томат соус-паста яримфабрикатларида бульоннинг озуқавий қиммати оширилган бўлса, глютенсиз сабзавот соус-паста яримфабрикатида буғдой уни ўрнига гуруч уни ишлатилиши ва булғор қалампери пюреси қўшилиб С витамин билан бойитилиши, ошқовоқ соус-паста яримфабрикатида ошқовоқ ва кунгабоқар уруғларидан фойдаланиш, буғ билан ошқовоқнинг эт қисмини пишириш, суюқ қисмини ажратиш, келгуси технологик жараёнда суюқ қисмидан фойдаланиш каби жиҳатлари билан фарқ қилади.

Ўтказилган кўп сонли тажрибалар асосида сабзавотли соус-паста яримфабрикатларининг рецептлари ишлаб чиқилди. Рецептлар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Сабзавотли соус-паста яримфабрикатлари рецептлари

№	Хомашё номи	Яримфабрикатлар номи		
		Томат соус-паста	Глютенсиз сабзавот	Ошқовоқ соус-паста
1	Соус-паста тайёрлаш учун бульон	25,0	25,0	
2	Ошқовоқ пюреси			65,0
3	Оқ жўхори шарбати ёки асал			5,0
4	Буғдой уни	17,0		
5	Гуруч уни		17,0	
6	Нўхот уни			28,4

7	Сабзи	7,0	8,0	
8	Бош пиёз	5,0	6,0	
9	Саримсоқ	2,6	2,6	
10	Томат паста	29,0	22,0	
11	Қизил ширин қалампир пюреси	11,0		
12	Ошқовоқ уруғи			0,5
13	Кунгабоқар уруғи			1,0
14	Ош лавлаги		11,0	
15	Топинамбур сиқмаси кукуни		5,0	
16	Лимон шарбати			0,1
17	Шакар	1,7	1,7	
18	Туз	1,7	1,7	
	Чиқиши	100,0	100,0	100,0

Ушбу рецептлар бўйича яратилаётган маҳсулотларнинг органолептик кўрсаткичларини таъминловчи хомашё танлаб, юқорида келтирилган муқобил вариант рецепт сифатида қабул қилинди. Соус-паста яримфабрикатларининг органолептик ва физик-кимёвий хусусиятлари тадқиқ этилди.

Сабзавотли соус-паста яримфабрикатларининг органолептик кўрсаткичларини тадқиқ этиш натижалари 3-жадвалда келтирилган.

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, сабзавотли соус-паста яримфабрикатларининг ҳиди ва таъми аниқ ифодаланган, сабзавотнинг шу турига хос ёт ҳид ва таъмларсиз, ёқимли, консистенцияси бир жинсли пастасимон ва ранги бир хил тайёрланган сабзавот хомашёсига хос.

3-жадвал

Сабзавотли соус-паста яримфабрикатлари органолептик кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичларни номланиши	Сабзавотли соус-паста яримфабрикатлари
1	Таъм ва ҳид	Тоza, аниқ ифодаланган, сабзавотнинг шу турига хос ва хомашёга хос ёт таъм ва ҳидларсиз.
2	Консистенция	Бутун масса бўйича бир хил пастасимон
3	Ранги	Бир хил, тайёрланган сабзавот хомашёсига хос

Сабзавотли соус-паста яримфабрикатларининг физик-кимёвий кўрсаткичлари 4-жадвалда келтирилган.

Сабзавотли соус-паста яримфабрикатларида куруқ моддалар миқдори 39-42%, липидлар 0,92-2,12% гача бўлиб, ошқовоқ соус яримфабрикатида ошқовоқ ва кунгабоқар уруғларидаги ёғлар ҳисобига юқори - 2,12%. Бу кўрсаткичнинг муҳим жиҳати шуки, ошқовоқ таркибидаги каротин ёғда эрувчанлиги учун, инсон организмида деярли тўла сингади. Бундан ташқари бу соуслар тўйинмаган ёғ кислоталарига ҳам бой ҳисобланади.

Сабзавотли соус-паста яримфабрикатидаги оксил миқдори 3,87-7,4% ни ташкил этади. Оксил кўрсаткичи ошқовоқ соуси яримфабрикатида юқори

бўлиб, 7,4% га тенг. Оқсил миқдорининг ошқовоқ соус-паста яримфабрикатада юқори бўлишига унга нўхот уни кўшилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Оқсил ва липидларнинг томатли, глютенсиз сабзавотли соус-паста яримфабрикатларида юқори бўлиши, уларни тайёрлашда ишлатилган бульон ҳисобига эканлигини таъкидлаш мумкин.

4-жадвал


Сабзавотли соус-паста яримфабрикатларининг физик-кимёвий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичларнинг Номланиши	Маҳсулотлар		
		Томат соус-паста ЯФ	Глютенсиз сабзавот соус-паста ЯФ	Ошқовоқ соус-паста ЯФ
1	Углеводларнинг умумий массавий улуши, %	1,7	3,2	5,25
	Клетчатка	2,4	5,3	3,8
2	Умумий липидларнинг массавий улуши, %	1,68	0,92	2,12
3	Оқсилнинг масса улуши, %	3,71	3,57	7,40
4	Қуруқ моддаларнинг массавий улуши, %	39,28	38,0	40,0
5	Умумий кислоталилик, %	0,61	1,07	0,85
6	Натрий хлорид массавий улуши, %	1,25	1,17	1,12
7	С витаминининг массавий улуши, мг/100мл	38,16	30,0	18,0
8	Энергетик қиммати, 100 г ккал/кж	36,76/	31,04/	52,7/
		151,98	144,54	258,92

Углеводларнинг массавий улуши 5,25-4,3% ни ташкил этиб, клетчатка миқдори 3,8-5,3% ни ташкил этди. Сабзавотли соус-паста яримфабрикатларида клетчатканинг миқдори юқори бўлиши унинг шифобахшлик хусусиятини оширишга хизмат қилади. Чунки сабзавотлардаги клетчатка овқат ҳазмини яхшилади, ортиқча вазн, юрак қон-томир тизими фаолияти, йўғон ичак раки, буйрак тоши касалликларининг олдини олади. С витаминининг миқдори томат соуси яримфабрикатада 38,9 мг/100 мл, бошқа намуналарда 30-7,8 мг/100 мл оралиғида бўлади. Сабзавотли соус-паста яримфабрикатларида кислота миқдори 0,61-1,07%, ош тузининг массавий улуши 1,12-1,25% -ни ташкил этиб, стандарт талабларига жавоб беради.

Яратилган янги сабзавотли соус-паста яримфабрикатларини микробиологик кўрсаткичлари тадқиқ этилган бўлиб, микробиологик кўрсаткичлари СанПиН 0283-10 талабларига тўла жавоб беради. Ярмфабрикатларни сақлаш муддати 4-6°С температурада 48 соат.

Маҳсулотни узлуксиз ишлаб чиқаришни таъминлаш учун механизациялашган технологик линиянинг 11-расмда келтирилган принципаал схемаси тузилди. Линия бульон тайёрлаш, сабзавот пюреси тайёрлаш, унни пассерлаш, туз, қанд, томат ва қизил булғор қалампирлари кўшиш дозаторлари, соус-паста пишириш, қадоқлаш, герметик беркитиш ва стериллаш бўлимларидан иборат.



1-парранда суягини навлаш; 2-суякни тозалаш; 3-суякни майдалаш; 4-бульон қайнатиш; 5-бульонни ажратиш; 6-суякдан гўшти ажратиш; 7-бульон ва пассеровкаланган сабзавотларни майинлаштириш; 8-чикитни йиғиш; 9-сабзавотларни ювиш; 10-инспекциялаш; 11-юқорига кўтариш; 12-майдалаш; 13-юқорига кўтариш; 14-пассеровкалаш; 15-йиғиш сиғими; 16-винтли насос; 17-туз учун дозатор; 18-қанд учун дозатор; 19-йиғув ва аралаштирувчи бункер; 20-маҳсулотни қадоқлаш; 21-тараларни герметиклаш; 22-унни элаш; 23-унни пассеровкалаш; 24-автоклалда стериллаш; 25-томат пюреси баки; 26-қизил булғор қалампери баки.

11-расм. Томатли соус-паста яримфабрикати тайёрлаш технологик линияси.

Соус-пасталар учун суyoқ асос тайёрлаш бўлимида гўшт хом ашёсига бирламчи ишлов бериб, бульон тайёрланади. Соус-паста яримфабрикати учун суyoқ асосни тайёрлаш бўлимида парранда гўшт хом ашёсини навлаш машинаси 1; парранда оёғини кератин қатламидан тозалаш ва ювиш машинаси 2; суyкни майдалаш машинаси 3; майдаланган суyк ва гўшт хом ашёси асосида бульон пишириш қозони 4; бульондан ажратиб олинган гўшт ва суyк фракцияларини ажратиш бўлими 5,6. Бунда уч турдаги масса - майдаланган гўшт, суyк ва бульон ҳосил бўлади.

Сабзавотларни ювиш машинаси 9; инспекциялаш транспортёри 10; сабзавотларни майдалаш машинаси 11; кесиш машинаси 12; майдаланган сабзавотларни пассеровка учун кўтариш транспортёри 13; бульон ёғида сабзавотларни сўлдириш қозони 14; ҳосил бўлган сўлдирилган сабзавот массасини йиғиш сиғими 15 ва 1-2мм ўлчамдаги металлтўрда ишқалаш машинаси 7; ишқалашда ҳосил бўлган дағал қолдиқ қисмини йиғиш 8; биринчи бўлимда ҳосил бўлган бульон майинлаштирилган сабзавот аралашмалари винтли насос 16-орқали йиғув-аралаштирув қозони 19-га берилади; туз, қанд, томат ёки булғор қалампири пюреси 17, 18, 25, 26 дозатор орқали соус-паста массасига қўшилади.

Ун ва сочилувчан компонентларни таснифлаш элаги 22, унни пассерлаш қурилмаси 23-да унли ингредиентга ишлов берилади, барча компонент қозон 19-да бир жинсли масса ҳолига келгунча арлаштирилади, ҳосил бўлган масса қадоқлаш автомати 20-да тарага жойлаштирилади, автомат 21-да герметикланади ва автоклав 24-да стерилизация қилинади ҳамда совутилади.

Томатли соус-пасталарни 1 кг-нг нархи - 5 985 (таннархи 4819) сўм – лигини инобатга олиб, «TURKISTON ULUG' DIYOR» МЧЖ ўз эҳтиёжи учун ҳисобларга кўра бир йилда 1800 кг томатли соус-паста сарфлагани, бошқа корхоналарга 18000 кг соус-паста етқазиб бергани натижасида $1800+18000 \cdot (5985-4819)=230,86$ млн сўм иқтисодий самара олганлиги ҳисобланди.

ХУЛОСА

1. Соус-паста яримфабрикатлари ишлаб чиқариш учун 3 турдаги асос рецепти-функционал соус-пасталар учун яримтайёр маҳсулот таркиби ва тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилди, режим параметрлари аниқланди.

2. Буғдой, гуруч ва нўхот унларига термик ишлов бериб, ўтказилган экспериментлар натижалари бўйича крахмалнинг структураси қисман ўзгариб, унинг намлик ютиш ва бўкиш хоссаси пасайиш қонунияти топилди.

3. Кенг кўламда ишлаб чиқариш учун мўлжалланган сабзавотли соус-паста яримфабрикатларининг органолептик, физик-кимёвий, микробиологик ва структуравий-механик хоссалари тадқиқ этилди ҳамда қуюлтирувчи ингредиентларни тайёр маҳсулотнинг реологик хоссаларига таъсири аниқланди.

Янги яратилган сабзавотли соус-паста яримфабрикатларининг ўзига хос сифат шкаласи ишлаб чиқилди, расмийлаштирилди.

4. Сабзавот соус-паста яримфабрикатларининг технологик кўрсаткичлари асосланди ва тайёрлашнинг такомиллаштирилган технологияси ишлаб чиқилди. Технологик жараённинг босқичлари, улардаги режимлар ва асосий параметрларнинг чегаралари белгиланди, хом ашё компонентларининг мақбул нисбатлари таклиф этилди.

5. Ўтказилган тадқиқотлар асосида сабзавот соус-паста яримфабрикатлари учун техник шарт (Ts 16165217-01:2019 «Сабзавот соус-паста яримфабрикатлари») ва технологик йўриқнома (ТЙ. Технологик йўриқнома «Сабзавот соус-паста яримфабрикатлари») ишлаб чиқилди ва тегишли тартибда тасдиқланди. Сабзавотли соус-паста яримфабрикатларини умумий овқатланиш корхоналарида қўллаш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилди. «Muhammadali Namkor Biznes» ОАЖ, «Наманган шарбати» ва «Туркистон улуг диёр» МЧЖ-ларда ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича амалий тадбирлар ўтказилди.

6. Ишланмани “Наманган шарбати” МЧЖ-да қўллашдан кўриладиган ҳисобланган йиллик иқтисодий самарадорлик 226 млн сўм-ни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc03/30.12.2019.Т.04.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

НАМАНГАНСИЙ ИНЖЕНЕРНО-СТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ

ДАДАМИРЗАЕВ МУЗАФФАР ХАБИБУЛЛАЕВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ПРИГОТОВЛЕНИЯ
ПОЛУФАБРИКАТОВ ОВОЩНЫХ СОУС-ПАСТ**

**02.00.17 - Технология и биотехнология обработки, хранения
и переработки сельскохозяйственных и пищевых продуктов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА
ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высший аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.4.PhD/Т1894

Диссертация выполнена в Наманганском инженерно-строительском институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице научного совета по адресу www.tkti.uz и информационно-просветительским портале «Ziyonet» www.ziyonet.uz.

Научный руководитель:

Атаханов Шухратжон Нуриддинович
кондидат технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Абдурахимов Саидакбар Абдурахманович
доктор технических наук, профессор

Ахраров Умид Бакирович
кондидат экономических наук, и.о. проф.

Ведущая организация:

Бухарский инженерно-технологический институт

Защита диссертации состоится «__» _____ 2020 г. в «__» часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте. (Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (+99871) 244-79-20; факс: (+99871) 244-79-17; e-mail: tkti_info@edu.uz).

Диссертация зарегистрирована в информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за № __, с которым можно ознакомиться в ИРЦ (100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А. Навои, 32. Тел.: (+99871) 244-79-20).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2020 года.
(протокол рассылки № _____ от _____ 2020 года).

С.М. Турабджанов
Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

Х.И. Кадилов
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н. (DSc)

К.О. Додаев
Председатель Научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире интенсивными темпами растёт объём плодоовощной продукции, в связи с этим ведение научно-исследовательской работы по созданию технологий, хранения, глубокой переработки и получения готовой пищевой продукции имеет важное значение. Обеспечение населения в кратких сроках готовой и полуготовой продукцией высокого качества и пищевой ценности становится актуальной задачей современного этапа.

Совершенствование переработки продукции сельского хозяйства в мировом масштабе, в том числе плодов и овощей и получение из них различной продукции, доведение потребляемости до нормативов пищевого рациона также является актуальной задачей современности. В этом плане создание новых технологий и их внедрение в производство, получение продукции высокого качества, сохранение пищевой и биологической ценности, экономия основного сырья, эффективное использование натурального сырья и продуктов, снижение себестоимости для развития и расширения, обеспечения предприятий общественного питания полуфабрикатами ведутся масштабные исследования.

В последние годы в республике достигнуты успехи в выращивании, хранении и переработки садоводческих овощеводческих продуктов в сельском хозяйстве. В стратегиях действия дальнейшего развития поставлены задачи «поднятия на новый уровень развития промышленности, глубокая переработка сырьевых источников, интенсификация производства готовых продуктов, освоение новых технологий и продуктов»². Благодаря проведенным мероприятиям были достигнуты определенные успехи в отраслях пищевой промышленности и предприятиях общественного питания по переработке фруктов и овощей и обеспечению полуфабрикатами. Создание и внедрение современных технологий переработки плодов и овощей, повышения пищевой и биологической ценности потребляемых блюд остается актуальной задачей сегодняшнего дня и требует проведения исследовательских работ в науке.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для решения поставленных задач, предусмотренных в постановлениях и указах Президента Республики Узбекистан № ПП-4239 от 14 марта 2019 года «О мероприятиях по развитию кооперации сельского хозяйства в плодоовощеводстве», № ПП-4406 от 29 июля 2019 года «Глубокая переработка продукции сельского хозяйства, в том числе хранение и переработка плодов и овощей, доведение их потребительских норм до требуемого, наладка производства различных полуфабрикатов, дополнительных мер по дальнейшему развитию пищевого производства», № ПП-4821 от 20 сентября 2020 года «О мерах по ускоренному развитию пищевой промышленности республики и полноценному обеспечению населения качественной продовольственной продукцией» а также задач, намеченных в других нормативно-правовых документах.

²Указ Президента Республики Узбекистан № ПП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по развитию Республики Узбекистан».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. По технологии переработки плодов и овощей, производству полуфабрикатов соус-паст для предприятий общественного питания научно-исследовательскую деятельность вели J.Shulze, E.Anter, A.C. Amadi Joy, М.И.Беляев, В.С.Баранов, Г.М.Постнова, А.И.Черевко, Р.П.Уистлер, Н.Р. Успенская, Л.В.Бабиченко, Э.Ф.Пашел, Г.С.Климов, Д.И.Лобанов, Н.И. Ковалев, С.Ю. Глебова, Ж.М. Курбанов, Б.Д. Махмадаминов, А.Ж. Тошев, Ш.Н. Атаханов, Н.Ш. Кулиев, Қ.О. Додаев.

Ими усовершенствованы технологии производство пюре, соков, концентратов и соусов на основе овощей, оценены органолептические, физико-химические, микробиологические, исследованы структурно-механические свойства соусов в условиях производства.

Вместе с тем, ведутся исследования в направлениях усовершенствования технологии производства полуфабрикатов и готовой продукции на основе овощей, расширения их ассортимента, повышения функциональных свойств, повышения диетичности за счёт обогащения разлитыми добавками, наиболее полным сохранением биологической и пищевой ценности сырья.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.

В рамках плана научно-исследовательских работ Наманганского инженерно-строительного института выполнена НИР-2016-5-11 по теме: «Разработка ресурсосберегающей, экологически безопасной технологии производства продукции с высокой пищевой ценностью», по рассчитанной на 2016-2017 гг теме ИОТ 2016-5-11 «Разработка технологии приготовления диетических блюд, из вторичных продуктов переработки топинамбура, содержащих в составе сахара», а также темы инновационного проекта под номером БВ-А-ҚХ 2018-424 «Разработка технологии приготовления соусов-полуфабрикатов из плодоовощного сырья для предприятий общественного питания».

Целью исследования является разработать рецептуры и технологии приготовления новых видов полуфабрикатов соусов-паст функционального назначения из овощного сырья.

Задачи исследования:

формирование видов овощных полуфабрикатов соус-паст с отдельными свойствами, создание их непрерывно работающих механизированных технологических систем;

